



# ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 9 сентябр, шанба №133 (965)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НЬЮ-ЙОРК САФАРИ

Нью-Йорк, 8 сентябр. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг асримиздаги энг сўнги, «мингйиллик саммити» деб ном олган сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йоркка йўл олган Президент Ислам Каримов Амстердам шаҳрида тўхтаб ўтди. Шаҳар аэропортида давлатимиз раҳбарини Нидерландия қироллиги хонадони ҳамда ҳукумати вакиллари қарши олди. Бўлиб ўтган қисқача суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожига билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Нью-Йоркда Президент Ислам Каримов АҚШ президенти Билл Клинтон томонидан «мингйиллик саммити» иштирокчилари шарафига уюштирилган расмий қабул маросимида иштирок этди.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг жаҳоннинг бир юз элликдан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбари иштирок этаётган сессияси минбаридан нутқ сўзлаши кутилмоқда.

Ташриф давомида Президентимиз АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт ва Исроил Бош вазири Эхуд Барак билан ҳам учрашди.



(ЎЗА)

### ДАСТЛАБКИ ХУСУСИЙ БАНК

Бухоро вилоятида ҳозирча ягона бўлган «Ташаббус» номли хусусий банк иш бошлади.

Мазкур банк қарз олувчиларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда кўпроқ мустақилликка эга. Унинг кредит қўмитаси бошқа банклардан фарқли ўлароқ, Тошкентда эмас, балки «Ташаббус»нинг ўзида жойлашган. Бу эса қарз бериш масаласи тез ва осон ҳал этилади, демекдир.

Хусусий банкнинг устав жамғармаси ҳозирча 50 миллион сўм бўлиб, у аҳолининг бўш маблағларини жалб қилиш, акция чиқариш, мижозларнинг молиявий қобилиятини ошириш ҳисобига қўпайтириб борилди.

«Ташаббус» хорижий валюта билан иш қўришда ҳам имтиёزلарга эга. Одатда, тижорат банкларига иш бошлаганидан кейин бир йил ўтиб, хорижий валюта операцияларини амалга оширишга рухсат берилса, «Ташаббус»да бу мuddат 6 ой қилиб белгиланган.

### ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Полша Бош вазири ўринбосари, иқтисодиёт вазири Я.Штайнхофф бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, молия вазири Р.Азимов билан учрашди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1995 йил январ ойида Полшага буюрган ташрифи икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалардаги алоқаларнинг ривожига катта туртки бўлди. Айни пайтда давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик қўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Учрашувда мазкур делегация таркибиде Полшанинг ишбилармон доиралари вакиллари ҳам ташриф буюргани амалий ишлар ривожига сезиларли ҳисса қўйиши таъкидланди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги мавjud савдо - иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳоли, иқтисоддаги режалар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎЗА)

### ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАГАН ОҚШОМ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари қўмитаси, Фидоқорлар миллий демократик партиясининг ёшлар қаноти ва мамлакатимиздаги бир неча жамоат ташкилотлари ташаббуси билан ўтказилаётган «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» ҳарбий ватанпарварлик қўшиқлари фестивали бу гал жанубий вилоят маркази - Термизга кўчди.

Вилоят ёшлари фестивали интиқлик билан кутишди. Термиз марказидаги «Алпомиш» ўйингоҳига оқиб келган томошабинлар қалбларига Ватан меҳри, саҳий ва саховатли халқ ишқи тушган спортчилар ва ҳарбийларнинг, вилоятдаги ёш ижрочилар ҳамда пойтахтдан ташриф буюрган санъаткорларнинг чиқишларини тўққиллаб кузатишди.

Куй ва қўшиқлар томошабин қалбига селдай оқиб кирди. Бу гўзал оқшомда барчанинг тили ва дилидаги Ватан мадҳи санъат орқали янада баландроқ янгради.

Мамлакат бўйлаб ўтказилаётган фестивалдан тушган маблағ ташаббускорлар тақлифи билан юртимизнинг чекка қишлоқларида спортни ривожлантиришга сарфланishi керак эди. Мана, куни кеча спорт анжумлари юклардан вагонлар Термизга етиб келди. Вилоятнинг чекка қишлоқларида жойлашган 7 та мактаб ўқувчиларига турли спорт анжумлари тақдим этилди.

### «ОҚ ОЛТИН» КАРВОНИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

«Қизилтепа пахта тазалаш заводи» ҳиссадорлик жамиятида янги ҳосилнинг дастлабки тонналарини қабул қилишга бағишланган маросим бўлди. Унда сўзга чиққан Қизилтепа тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Ш.Набиев жорий йилда туманда 10 минг гектарга яқин майдонда деҳқончилик қилинаётгани, сувнинг танқислигига қарамадан яқин ҳосил етиштирилгани, туман бўйича гектаридан 28 центнердан ҳосил олиш имконияти мавjudлигини айтди. Вилоят ҳокими Ф.Дилов пахтакорларни янги ҳосил тарозига тушганлиги билан табриқлади.

Сўнгра пахта ортилган 50 дан зиёд тракторлар завод сари йўл олди. Шу куни 15 та ширкат, жамоа ва фермер хўжаликлари 500 тоннага яқин пахта топширди.



### БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқорой хайрия жамғармасига қўймати 7 минг 858 АҚШ доллари миқдоридеги 2 тонналик юк келди. Уни Американинг «Каунтерпарт интернешнл, Инк» давлат ташкилоти юборди.

Юк озик-овқат маҳсулотларидан иборат. Бу маҳсулотлар Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё ва Узун туманидаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга топшириш учун мўлжалланган. Юкни етаклаб бериш билан жамғарманинг тиббий-иҳтимоий патронажи хизмати ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг бўлиналари шугулланади.

Бу «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва Американинг «Каунтерпарт интернешнл, Инк» ташкилотининг иккинчи ҳамкорлик тадбиридир. Жорий йилнинг март ойида улар ўртасида республиканинг чекка туманларида истикомат қилувчи кўп болали ва кам таъминланган, шунингдек, ногирон болалар тарбияланаётган оилаларни юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга йўналтирилган биргаликдаги хайрия дастурини бажариш тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. «Соғлом авлод учун» жамғармасига май ойида янги хорижий шеригидан келган қўймати 65 минг АҚШ доллари миқдоридеги аввалги юк ҳам шундай оилаларга тақсимланган эди.

### ШИФОХОНА ИШ БОШЛАДИ

Термизда Давлат шовилчин тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиали очилди. Илгари шаҳар марказий касалхонаси бўлган бинода қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилиб, жаҳон андозаларига мос замонавий шифохона бунёд этилди. Бу ерга ўрнатилган тиббий жиҳозлар асосан Полша, Германия ва бошқа хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган.

### Ертўладаги олишув

Ўзингни, уйингни ўзинг асра! Юртбошимиз томонидан айтилган бу чақирик Наманган шаҳрида барча маҳаллалар аҳолисининг дил сўзига айланади. Ҳамма жойда тунги посбонлар тайинланиб улар ҳушёрлик билан бурчларини адо этмоқдалар. Баъзи бир ғаламис, ёвуз ниятли шахсларга нисбатан қакшаткич зарбалар берилмоқда. Айниқса, Фурқат номли маҳалланинг тунги посбонларининг кўрсатган жасорат бугун барчакинг тилида, кексаю ёш офаринлар айтиб, дуо қилмоқда.

Уша куни ҳам навбатчилар гуруҳи кўчаларни айлашишга чиқиб кетишган эди. Қоронғи туша бошлаганида 1-Ғайрат кўчасида яшовчи Муҳаббат Мамажоновна маҳалла қўмитаси идораси эшигини тараққатлаб очиб кириб келди.

Тезроқ бизнинг хонадонга юринлар, ертўла-мизга ёт одамлар кириб олишибди, — деди аёл ҳовлиққанча. — Адашмадингизми, — сўради маҳалла қўмитасининг раиси Х.Аскарлов куйиб. — Балки бирон мушук ёки дайдиб юрган кучук бўлмасин.

— Одам шарпаси эканлиги аниқ, — деди аёл. — Кириб текшириб қўришга юрагим дов бермади. Ҳатто, нималарнидир шивирлашаётганликлари ҳам қўлогимга чалинди. Ҳазимни гўё ҳеч нима сезмаганга олиб дар-

### МАҲАЛЛА ПОСБОНЛАРИ ЖАСОРАТИ

Ички ишлар бошқармаси томонидан муносиб тақдирланди

обонлар айланишга кетган томон шовилди. Навбатчи посбонлар А.Ҳабибуллаев, И.Жўраев ва Б.Муллахоновлар маҳалланинг кунчиқар чегарасига етиб энди орқаларига қайтишаётган экан. Посбонлар маҳаллақўми раиси раҳбарлигида дарҳол юқорида айтилган манзилга етиб боришди.

Бу ерда масаланинг бир жиҳатини ҳисобга олиш лозим. Посбонлар босқинчиларни бир ёки икки кишидангина иборат деб ўйлашган эди. Олдига уй соҳибаси ҳовлига кириб шумқадан «меҳмонлар» қаердалигини аниқламоқчи бўлди. Букул қоронғилик тушмаганлигидан, қолаверса, уй эгаси билан иш қўришда ҳам имтиёزلарга эга. Одатда, тижорат банкларига иш бошлаганидан кейин бир йил ўтиб, хорижий валюта операцияларини амалга оширишга рухсат берилса, «Ташаббус»да бу мuddат 6 ой қилиб белгиланган.

### Истеъмолчи талаби муқаддас

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бозорларда фаолият кўрсатаётган деҳқонлар учун кенг имкониятлар яратди. Бу муҳим ҳужжат асосида амалга оширилаётган тадбирлар ҳозирданок ўз натижасини бераётир.

«Жейнов» вилоятдаги аҳолиси зич жойлашган хўжалиқлардан бири. Нафақат Усмон Юсупов туманида, балки вилоят хўжалиқлари орасида ҳам ўз салоҳиятига эга. Қарши-Баҳористон шох йўлининг ўнг томонидаги «Жейнов» деҳқон бозори ҳаммаша гавжум. Торморқалардагина эмас, хўжаликда етиштирилган маҳсулотлар ҳам шу бозор орқали харидорини топмоқда. Бозор ҳовлиси атрофида савдо, маъиш хизмат дўконлари бу ерга келган кишиларга бир йўла барча юмушларини бажариб қайтиш имконини бераётир. Бозорда бир ойлик ўртача савдо айланмаси 120 минг сўмни ташкил этаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Бозорда савдо қилаётган деҳқонлар билан суҳбатлашамиз: — 16 сотихли ер участкамиз бор, — дейди Гулжаҳон Ботирова. — Миришкор қишлоғида яшайман. Помидор, картошка, мевачевалар ўз томорқамизда етиштирилади. Биринчидан, Кўкдумалок, Аланг, ниш шохобчалари кўп меҳнат ва маблағ эвазига бунёд этилган бозор хуснини бузиб турибди.

«Адолат тарозиси» деб ёзилган тахтачага кўзимиз тушиб қувондик. Лекин тарози етишмайди. Икки деҳқон битта тарозидан фойдаланмоқда. Устига устак тошлар етишмайди. Пештахталар рақамланмаган.

Ҳазиначи билан паттачи вазифасини бир киши бажарар экан. Бозор ҳовлиси инфлос. Водопровод қувурлари номингагина ўрнатилган. Жўмрақдан бир томчи ҳам сув тушмайди. Лоток ариқлар ахлатдан қўмилиб кетганлиги билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Бозорда деҳқонлардан кўра олибсотарлар кўлиги кишини таажублантиради. — Пиёзни кўтарасига олиб, устига озроқ «қаражатим»ни қўйиб сотаман, — дейди Муғлон қишлоғида яшовчи Фармон Ражабов. — Бундан ташқари томорқамда етиштирилган маҳсулотим тувчилар ҳадиғача тарози ва тош билан тўлиқ таъминланмаган. Сотувчи Пўлат Аллаев ўз маҳсулотини қўлбола «тош»лар билан савдо қилмоқда. Уни ҳам «тушуниш» мумкин. Боиси савдо қилаётган деҳқонлар учун атиги 7 та тарози мавжуд, холос.

Баҳористон туман деҳқон бозоридеги бўганимизда антика воқеанинг гувоҳи бўлдик. Сирожиддин Сатторов барча маҳсулотларни бошқа бозорлардан кўтарасига олиб, бу ерда сотишини яширмади. — Маҳсулотлар лаборатория кўригидан ўтганимиз? — Бугун лабораториядан Указганимиз йўқ, — деган жавоб берди у бамайлихотир.

Буниси ҳам майли, лаборатория мудири вазифасида ишлаётган Александр Лабазанова бор-йўғи ўрта маълумотли эканлиги бир ажабланса, паттачи Чоршамб Ҳотамов сотувчилардан олган йиғимларни ишлатиб қўйганлигини эшитиб, ёқа ушладик. Раҳбарларнинг аса парвоийи фалак. Ажабо, бундай тартиб-бузарликларга чек қўйиш вақти етмадимики? Бинобарин, бозорларда тартиб бўлсагина мижозларнинг дили равшан бўлади. Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири

### ГОЛИБЛАРНИ МУКОФОТ КУТМОҚДА

Табиат инжиқликларига қарамай, далаларда пахта ҳосили мўл. Чаман бўлиб очилган оппоқ дурдонани кўриб, бободехқонга тасаннолар айттиг келади. Демак, ўз касбининг устаси учун ҳеч нарса баҳона бўлолмайди. Боз устига, ҳукуматимиз деҳқонни қўллаб-қувватлаб турибди. Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида айтилишича кўлда терилган 1 килограмм ўрта тодали нав учун камида - 14 сўм, инглич пахта учун 16-18 сўм ҳақ тўлаш белгиланди.

Шунингдек, теримчилар ва пахта териш машиналарининг механик ҳайдовчилари билан ҳар 5 кунда ҳисоб-китоб қилиш кўрсатилган. Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида меҳнатни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Марказий Қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Улапахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик уюшмаси, «Ўзқишлоқхўжтаъминоттаъмирлаш» давлат кооператив қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамкорликда қўшма қарор қабул қилди. Унга қўра терим мавсуми голибларини ҳар бир тизим бўйича алоҳида рағбатлантириш ҳамда мукофотлаш кўзда тутилди.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳам республикада биринчи бўлиб режани бажарган туманни қимматбахо совға билан тақдирлашга қарор қилди.

А. АБДУРАҲМОНОВ, Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Марказий қўмитаси етакчи мутахассиси.

# ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ — МЕҲНАТКАШЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҶИМОЯЛАШ ТАЯНЧИ

**Ўзбекистон Президентининг деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид ҳаётбахш фармонлари шарофати билан Сирдарё вилояти Оқолтин туманида мулк ҳақиқий эгасини топмоқда, фермерлар сафи тобора ортиб, одамлар боқимандалик кайфиятидан ҳалос бўлишмоқда. Ҳозирги кунда бу ерда 100 га яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатяпти. Уларнинг 82 таси бу йил галла етиштириш юзасидан шартнома режасини муваффақиятли бажар-**

**ди. Энди асосий эътибор пахта йиғим-теримида қаратилмоқда. Ерга эгаллик ҳиссининг ортганлиги, моддий манфаатдорлик таъминланаётганлиги боис мулкдорлар ички имкониётларни ишга солиб деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни тобора кўпайтиришга эришмоқдалар, хайри тадбирларида фаол иштирок этмоқдалар. Кўйда юқори кўрсаткичларга эришяётган фермерларнинг иш тажрибаси, ташаббуслари ҳақида хикоя қилинади.**

Ўғилларим Илҳом, Икром, Ақром ва Баҳромлар том маънода азамат йигитлар. Техника бошқаришни, экинлар парваришини, чорвани кўпайтиришни яхши билишди. Томорқамизда қовун-тарвуз етиштирдик. Шунинг ҳисобидан 400 минг сўмлик даромад эгаси бўлдик. Пахта тозалаш заводида топширган хом ашё ҳисобидан шулха, кунжара олдик. Шунинг ҳисобидан моллар тўғқ сонини кўпайтириб бора-ряпмиз. 10 бошга яқин бийлик каби турли-туман ғоялар билан онги зарҳарланган йигитларга жуда-жуда ачинаман. Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги фармони бекиёс аҳамиёт касб этишини таъкидлашни истардим. Ишонман, ҳозир ўзга юртлардан ота-онасидан, жигарларидан йироқда афсунадоматлар чекиб юрган

шонини аста-секин ошириб борапти. Бу йил туманимизда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Тажриба сифатида қовуннинг 49 нави етиштириляпти. Вилоят бўйича ўтказилган қовун сайлида ҳам деҳқонларимизнинг кўли баланд келди. Улар етиштирган «Ўзбекистон», «Кўзивоий», «Оқуруғ», «Обиновот», «Кўктурна», «Амири» каби ширин-шакар қовун-тарвузлар барчага манзур бўлди. Кайфиятга кўп нарса боғлиқ. Одамлар Президент фармонлари, изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар пировард натижада меҳнаткашга катта наф келтираётганлигини қалбидан ҳис қилмоқдалар. Бу йилда 2-3 ҳосил олаётганлар сафи кенгайиб бораёпти. Собик шўро даврида пахтадан бошқа нарсани билмаган бўлсак, энди барча неъматлар ўзимиздан чиқаяпти. Биргина ер ёнғок, полиз экинларидан катта даромад олаётган миришкорлар сафи кўпаймоқда. Энг муҳими, одамлар энди четдан ёрдам кутмай ўз кучларига, билим ва тажрибаларига ишонган ҳолда ҳаракат қилмоқдалар. Шу боис бозор муаммолари муваффақиятли енгиб ўтилмоқда.

## Абдували ШОКИРОВ, «Азиз» фермер хўжалиги аъзоси:

— Биз Оқолтинликлар чўлда неъмат етиштиришнинг ўзи бўлмаслигини яхши биламиз, кунига қатор муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади. Авваллари йил — 12 ой қаро терга ботиб ишласак-да биримиз икки бўлмасдик. Боз устига ер ўзлаштиришдаги камчиликлар туфайли уй-жойдан қийналардик, маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги аҳвол ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Истиқлол туфайли, ҳамда Президент фармонлари шарофати боис ўз еримизнинг хўжайинига айландик, кадр топдик. Ҳақиқий мулкдор бўлиб ўзимизга ҳам, давлатга ҳам катта наф келтираёلمиз. Иштиримизда 50 гектар ер бор. Шунинг 18 гектаридан галладан баракали ҳосил етиштирдик. Гектар ҳосилдорлиги 35 центнердан ошди. Галлачиликнинг ўзидан 2,5 миллион сўм даромад килдик. 32 гектардаги пахтазорда ҳар қачонгидан кўп ҳосил тўпланди. Йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб бораёلمиз. Насиб қилса пахтачиликдан 3,5 миллион сўм даромад оламиз. Ўғилларим Равшанбек, Давронбек ва

# БОҚИМАНДАЛИК КАЙФИЯТИДАН ХАЛОС БЎЛДИК

Авазбекларни ёнимда-биргалликда олиб ҳақиқий фермер нимага қодир эканлигини амалда кўрсатишга ҳаракат қилаёلمиз. Уч келимиз ва икки қизим бизга мададкор. Кўш тракторимиз ва бошқа механизмларимиз бор. Режани ошириб бажарганлигимиз учун иштиримизда 12 тонна бугдой қолди. Демак, номимиз бутун. Бу йилги даромаддан яна техника сотиб оламиз, уй қураемиз, тўй қилаемиз. Кўриниб турибдики, Президент фармонлари меҳнаткашларни ижтимоий Ҷимоялашнинг мустақам таянчи бўлмоқда. Ҳалос бўлиш туфайли бой-бадавлат бўлдик. Яратганга шукроналар тирдик. Гектар ҳосилдорлиги 35 центнердан ошди. Галлачиликнинг ўзидан 2,5 миллион сўм даромад килдик. 32 гектардаги пахтазорда ҳар қачонгидан кўп ҳосил тўпланди. Йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб бораёلمиз. Насиб қилса пахтачиликдан 3,5 миллион сўм даромад оламиз. Ўғилларим Равшанбек, Давронбек ва

дан севадиган ҳақиқий инсонлар бўлиб вояга етишларида бекиёс рол ўйнамоқда. **Қувват ҲУРИШЕВ, пудратчи:** — Қишлоқда ортиқча ишчи кучлари мавжуд. Боз устига оқшомларимиз ҳар доим ҳам файзли ўтади деб бўлмайди. Шу боис баъзи ёшларимизнинг юриш-туриши, орзу-интилишларидан бир вақтлар тўла боҳабар бўлолмадик. Бундан ганимларимиз фойдаланиб қолишди. Бироқ ўтмиш сабоқлари кўзимизни очди. Ёшлар ҳақида алоҳида қайгура-

диган бўлдик. Ҳамма ёмон нарсалар бекорчиликдан келиб чиқади. Маржон-маржон тер тўккан, замин меҳрини дилдан туйган киши эса ҳамиша эзгуликка интилади, элим, юртим деб яшайди. Ўзимиздан қиёс. Пудрат асосида 25 гектар ер олдик. Ўзимизники-да, вақти келса кеча-ю кундуз кучимизни аямай ишладик. Ҳар қарич ёрни эъзозладик. Натижада бу йил гектаридан 52 центнердан галла олишга эришдик. Ялли ҳосилнинг 10 тоннаси омборимизда қолди. Бу 700 минг сўм демакдир.

қора молимиз, кўйларимиз, паррандамиз бор. Файли хонадонимиздан сут-қатиқ аримайди. Фарзандларим ҳалол меҳнат — бахт калити эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдиклар. Ҳозирги кунда икки ўғлимни уйлантириш ҳаракатидаман. Олти хонали замонавий коттежимиз бор. Уй-жой қуриш учун қўшимча ер беришди. Қани айтингчи, бундан ортиқ бизга яна нима керак! Ёшлар ҳақида кўп уйлайман, ёвуз нијатли кишилар таъсирига тушган экстремизм, ваҳо-



## Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни Ҷимоя қила олайлик

Инсон — ҳаёт гултоғи. Ҳар бир одам ўзга бир олам. Унинг иззатини ўрнига қўйиш, меҳнатини қадрлаш, лозим бўлганида мушкулчини осон этиш раҳбару мутахассиснинг биринчи галдаги бурчидир. Бунга яхши англаган ҳолда таҳририятимизга келган ушбу мактубни ўқиб, тўғриси жуда ажабландик. Унда шундай сатрлар бор:

«Ёшим 60 га тўлибдики, бировнинг устидан ҳеч кимга арз қилганимни эслолмайман. Аммо яқинда туманимиз айрим раҳбарларининг адолатсизликларидан жуда эзилдим, соғлигим кетди. Гап шундаки, шу йилнинг февралда Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими К.Деҳқонбоев мени ҳамда туман бош шифокори Э.Умурзоқовни иш кабинетига чақириб, «Бугундан эътиборан ишни биз айтган кишига топширасиз, сизга бошқа иш топиб берамиз», дея савол-жавобга ўрин қолдирмай хонасидан чиқариб юборди...»

Ҳўш, хат муаллифи ким, нима сабабдан ким ойдан сўнг пенсияга чиқишга тайёргарлик кўраётган, умр бўйи ҳалол меҳнат қилиб келган мутахассисга нисбатан бундай нотўғри йўл тутилди. Ўрта Чирчиқ Тошкент вилоятининг энг нуфузли туманларидан бири. Бу ерда бир нечта шифохона мавжуд. Улардан бири «Янги тўлқин» жамоа хўжалиги худудидаги «Нажот» шифохонасидир. Кейинги йилларда бу ерда кимлар ишламади? Қанчадан-қанча кишилар дарддан фориг бўлиб, шифокорларга раҳмат, дея ўз оилаларига қайтидилар. Биз суҳбатлашган кишиларнинг таъкидлашларича, Маҳкам Эргашев бош

сидан унинг розилигини олмасдан, асоссиз равишда озод этилиши барчани таажжубга солди. Боз устига, жамоа бу фидойи инсоннинг камтарин хизматларини алоҳида

га тақлиф қилмоқчи эдик. Нијат албатта амалга ошади. Бироқ унга нисбатан адолатсизлик қилинганлиги бизни ҳам ранжитди.

нишонлаш учун қасаба уюшма қўмитаси бошчилигида тайёргарлик кўраётган бир пайтда юқоридегидек муносабат адолатдан бўлмаганлигини таъкидлаш жоиз. — Маҳалламиз худудда жойлашган «Нажот» шифохонаси жамоасини, хусусан, собиқ бош шифокорни яхши биламиз, - деди «Ангор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Р.Ражабов. - Жамоа аҳли ҳар бир тадбиримизда фаол иштирок этади. Ўз касбининг устаси, яхши ташкилотчи сифатида танилган М.Эргашев аҳоли ўртасида сафо-матликка оид мавзуларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда, ёшлар тарбиясида алоҳида жонбозлик кўрсатди. Шу боис, у қишлоқ фуқаролар йиғинида бош маслаҳатчи ҳисобланади. Нијатимиз катта эди. Яқинда ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлашга тарадуд кўраётган М.Эргашевни шарафлаб, кеча-

Туманда ким билан суҳбатлашмайлик, барчанинг фикри бир жойдан чиқди: адолат тарафисини бузилди. Ўттиз йил эл саломатлиги йўлида ҳалол ишлаган, тажрибали мутахассис ноқонуний равишда ишдан четлаштирилди... Юртбошимизнинг ушбу сўзларини эслайлик: «Адолат ва ҳақиқат гоёси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уй-жой, нафақа каби ҳаётимизнинг ҳамма жабҳалари ана шу заминга таяниши зарур». Ҳақиқат савол туғилди: хўш, нафақага кузатишнинг биз қаламга олган антиқа усулига Тошкент вилояти ҳокимлигидаги мутахассислар қандай раҳбарлар нима деб жавоб беришаркин? **А.ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» муҳбири.**

## КўнгиЛ ОБОДЛИГИ

Мингбулоқ тумани Олтинкўл қишлоғида яшовчи ўн ёшли тўлма ногирон кизалоқ Гулчехрага маҳаллий ҳокимлик томонидан ногиронлар аравачаси ҳада этилди. — Мен ҳам тенгқурларим қатори кўчаларни сайр қилишни ёқтирдим. Лекин бунинг имкони бўлмаганидан қийналардим. Бугун менинг битта армоним ушладди, - деди Гулчехра Абдуллаева «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Менга ногиронлар аравачасини ҳада этган туман ҳокимимиз Мухторжон Усмоновга миннатдорчилигимни билдираман.

Мингбулоқда ёрдамга муҳтож кишиларнинг ҳолларидан хабар олиш одат тусига айланган. Яқинда туман ҳокимлиги томонидан кўллаб ногиронларга кўлтиқтаблар, эшитиш аппаратлари ҳада этилди. Шунингдек қаровсиз қариёлар ҳам эътибордан четда қолмаётини йўқ.

«Соғлом авлод йили» муносабати билан ҳукуматимиз қабул қилган «Соғлом авлод дастури»да шундай хайрли ишларни доимий равишда амалга ошириш кўрсатилган.

## Эҳтиром БАРЧИНОЙ НОМИ БИЛАН

Мамлакатимиз мустақилликни кўлга киритгандан кейинги ўтган даврда Қорақалпоғистон республикасида кўп ижобий ўзгаришлар юз берди. Айниқса, экологик ноҳуш вазиятда яшаётган аҳоли соғлигини сақлаш, мустаҳкамлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Чимбой шаҳридан 20 километр шимолроқдаги «Тозажол» ширкат хўжалиги худудида самарали фаолият кўрсатётган «Гулпаршин» санаторийси шулар жумласидандир. Асосан оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш ва тиклаш мақсадида иш бошлаган саломатлик маскани қисқа муддатда 1100 дан ортиқ мижозни қабул қилди. Улар Қорақалпоғистоннинг барча шаҳар ва овулларида яши нијатлар билан келишиб, орзулари ушалиб, хурсанд бўлиб қайтишди.

Мустақиллик байрамнинг 9 йиллиги арафасида санаторийга меҳнат фахрийларининг катта гуруҳи қабул қилинди. — Санаторийга келганимга эндигина бир ҳафта бўлапти, — дейди Кейлиги туманидаги Халқобод шаҳри фуқароси Назархон Султонов, — «Гулпаршин» хусусида, унинг қўли енгил шифокорлари тўғрисида кўп илқ гаплар эшитган эдик. Барчаси ҳақиқат экан, санаторийнинг ҳар бир ходими бу ерга келганлар атрафида парвона.

Бундай илқ фикрларни уруш ва меҳнат фахрийси 80 ёшли Эшмурод ота Ҳамидов ҳам дил-дилдан маъқуллади.

... Кунги кеча марказдан анча олис «Гулпаршин» санаторийсига байрамона руҳ ҳукмронлик қилди. Сихаттоғ маъмуриятининг сайё-ҳаракатлари билан байрам дастурхони ёзилди, бир пайтда чой бахона чин дилдан суҳбат қурилди. Суҳбатдошлар мустақиллик меvasи—дориломон замон қадрига етиш, Яратганинг берган кунига шукрона айтиш, энг муҳими Президент Ислам Каримов раҳбарлигида буюк неъмат — мамлакат истиқлолини кўз қорачигидай сақлаш тўғрисида тўлиб-тошиб сўз юритдилар. **Абду РАҲМОН, «Ишонч» муҳбири.**

## Янги Халқаро Сўзлашиш Нуқтаси

Андижон шаҳар «Телеком» акциядорлик жамияти замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги халқаро сўзлашиш нуқтасини очди. Марказий алоқа уйдан узокда жойлашган бешта микро-туманининг кўп қаватли уйларида истиқомат қилувчилар, бу ердан

бошқа шаҳарларга кўнги-роқ қилиш билан бирга ер шарининг исталган нуқтасига телеграмма жўнатиш, факс ва электрон почта орқали маълумотлар юбориш, шунингдек жавобини уйга келтириб бериш имконига эга бўлишди. Яқин кунларда эса Интернет тармоғига ҳам улаш кўзда

тутилган. Яна бир янгилик — 24 ва 46 ч шаҳар АТСларида компьютер техникаси билан жиҳозланган абонент бюролари ҳам очилди. Энди эса йўлга вақт сарфламасдан бу ерга телефон хизматлари учун пул ўтказиш мумкин. «Телеком» акциядор-

**Она Ватанимизнинг шон-шухратини юксакликка кўтарган буюк аждоғларимизнинг табаррук номларини хамиша эъзозлаб келмоқдамиз Хусусан, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ат-Термизий сингари аллома киромларнинг, Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Ахрор Валий сингари пири қомилларнинг заковати ила яратилган шох асарларни кўзга суртиб ўқишмоқдамиз. Айни чоқда бу бобокалонларимизнинг битикларини ҳажон аҳли ҳам хайрат, ҳам ҳурмат билан хатм қилиб келаятганини таъкидлаш бизга хуш кайфият бахш этади.**

**Ана шундай алломаларимиздан бири, бу йил хижрий 910 йилликлари нишонланадиган Бурхониддин ал-Марғинонийнинг, Муборак тўй муносабати билан ул зоти шарифининг тенги йўқ «Ал-Ҳидоя» асари тўлалигича чоп этилмоқда. Тантан аърафасида унинг биринчи жилда дунё юзини кўради.**

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Акмал САИДОВ, фалсафа фанлари доктори, таниқли шарқшунос олим Махмуджон НУРИТДИНОВлар бу хайрли ишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Бурхониддин ал-Марғинонийнинг ҳаёти, ижоди, шоғирлари, «Ал-Ҳидоя» асарининг яратилиши, унинг ислом ҳуқуқшунослигига тугган ўрни ва аҳамияти ҳақидаги саволларимизга улар бажонидил жавоб бердилар.**

— Махмуджон ака, сиз шарқшунос олим сифатида Бурхониддин Марғиноний бобомизнинг исми насаби, туғилган йиллари, ижодий фаолиятлари, ҳаётлари ҳақидаги кўлэмаларни синчиклаб ўргангансиз. «Ал-Ҳидоя» асарининг таржима қилиш жараёнида бевосита иштирок этгансиз. Дастлаб алломанинг умр йўллари ҳақида тўхталсак, Токи ҳар бир ватандошимиз фикс илмининг сардори ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлсалар.

**М.НУРИТДИНОВ:**— Аллома Бурхониддин Марғинонийнинг исми насаблари Абу-л-Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абду-л-Жалил ал-Фарғоний ал-Риштоний ал-Марғинонийдир. Ул зоти «Бурхон уд-дин ва-л-милла» деган шарафли ном билан аташган. «Милла» олимни улуғлаб, уни мусулмон дунёсидеги халқлар ҳамда ислом динининг далили, исботи деб мадҳ этишди. Ал-Марғиноний икки машҳур фақиҳлар оиласининг исми ва насаби сифатида танилган. Улар Фарғона водийсининг Марғинонида туғилиб яшаганликлари учун ал-Марғиноний номи билан шухрат қозонганлар. Биринчи фақиҳлар оиласи 68 ёшида 1084-85 йилда вафот этган Абдулазиз ибн Абдуразоқ ибн Наср ибн Жаъфар ибн Сулаймон ал-Марғинонийга мансуб бўлиб, у ўз даврининг буюк олимларидан ҳисобланган. Иккинчи фақиҳлар оиласи бутун дунёга машҳур «Ал-Ҳидоя» китобининг муаллифи шайхулислом, улуғ имом Бурхониддин насаби ва Абу Ҳасан куняли Али ибн Абу Бакр Абдулжалил ибн ал-Ҳалил ал-Фарғоний ал-Марғинонийга мансубдир. Ал-Марғинонийлар авлодида бир неча фақиҳлар бўлиб, аксарияти қозилик ва мудarrisлик қилганлар, дин ва жамият ишларида катта мансаб соҳиби бўлганлар. Бурхониддин ал-Марғинонийнинг уч ўғли ҳам оталаридан сўнг навабтанив-наваб Самарқанд шайхулислом бўлиб турганлар. Нафақат Мовароуннахрда, балки бутун ислом оламидеги фикс илмининг тараққиётига бу сулола улкан ҳисса қўшган. Сулоларнинг фаолияти орқали Мовароуннахр халқларининг тарихий-ҳуқуқий аънавалари ислом маданиятида ўз аксини топган. Бурхониддин Марғиноний Марғилолнинг Пирсиддик мажлисида 13 йил яшаганлар. Шу ерда ўзларининг машҳур «Ал-Ҳидоя» китобларининг биринчи қисмини ёзганлар. Умрларининг сўнгги йилларини Самарқандда ўтказиб, ушбу китобни хижрий 573 йилда (милодий 1178 йилнинг апрел айида) тамомлаганлар. Буюк мутафаккир алломаларимизнинг ажойиб аънаси, яъни ўз исми-шарифидан сўнг туғилиб ўсан жой номини қўшиб ёзишдек одатлари билан бутун жаҳонга киндик қони тўкилган ерни — она Ватани билдирганлар. Туғилган заминга, авлод-аждоғлар руҳига бундан ҳам ортқ ҳурмат ва эҳтиром бўладими?

Мавлоно Бурхониддин ал-Марғиноний хижрий 515 йилнинг (милодий 1123 йилнинг 23 сентябри) ражаб ойининг 12-куни таваллуд топанлар. Ул зот 593 йил элзухжга ойининг 14-куни (1197 йил 23 октябрда) 74 ёшда вафот этганлар. Буюк аллома умрининг охирида Самарқандда яшаган ва ўша ерда вафот этган. Ул зот Шомий «Радду-л-Мухтор»да ёзишча, 400 га яқин Мухаммад номли фақиҳлар дафн этилган Мухаммадийлар қабристонида қўйилган. Бурхониддин ал-Марғиноний дўстлар Рошидон, Бухоро, Самарқанд ва Мовароуннахрнинг ўша даврдаги диний ва маърифий марказларидаги машҳур ва атоқли алломалардан ҳадис, тафсиру ва фикс илмини ўрганганлар. У киши ёшлик чоғларидаёқ Курьони каримни ёд олганлар. Муқаддас ҳаж сафарига ҳам борганлар. Фанга қизиқиш уни узоқ сафарларга ундаган. Бутун умри давомида илм ўрганган ва ислом оламнинг ханафий мазҳаби бўйича буюк фақиҳи ва ҳуқуқшунос алломаси даражасига кўтарилганлар. Олим яшаган йиллар Шарқ уйғониш даврининг жамият, маданият ва фан тараққиёти ҳамда фикс илмига катта зарурат туғилган бир пайтга тўғри келган. У ёзган «Ал-Ҳидоя» китоби ўша давр учун катта амалий аҳамиятга молик бўлган ҳуқуқий муаммоларни ечиб беришга қаратилган.

— Буюк алломанинг устозлари ва шоғирлари ҳақида нималар дея оласиз?

**А.САИДОВ:**— Бурхониддин ал-Марғинонийнинг устозлари силсиласи кенг. У таблимини дастлаб ўз отасидан, ундан кейин Имом Бахоуддин ибн Исмоил ал-Аббидийдан олган. Унинг машҳур устозларидан Абдулазиз Абдуразоқ ибн Наср ибн Жаъфар ибн Сулаймон ал-Марғиноний, «Қозийхон Фатвоузининг муаллифи Фахриддин ибн Мансур Узғандий, «Ал-Ақоидун Насафия» китоби ҳамда фикс бўйича юзга яқин рисолалар муаллифи Нажмиддин ан-Насафий, Садрун Шаҳид ибн Али ал-Пайқандий, Қавомуддин ал-Байомий, Аҳмад ибн Хусайн ал-Бандий-жанийлар бўлган. Аллома муқаммал илмга эга бўлганига қарамай, устозларидан бир умр таълим олган. «Китоб ул-Машоих» («Шайх-

лар ҳақидаги китоб») асаридеги ўзи таълим олган 40 дан ортқ шайх ва олимни санаб ўтган. Улар қаторида Абу Асир ал-Байдавий, Абу Ёқуб ас-Саврий, Абу Исҳоқ ан-Навқадий, Жаъфар ал-Хиндуювийларнинг номлари бор. Бурхониддин ал-Марғиноний ўз даврининг кўзга кўринган алломаларидан «Ал-Мухт» («Илмлар денгизи») асарининг муаллифи Умар ибн Мааза, «Ал-Фатова ва фавоид аз-Захира» («Фатволар ва зоҳир нарсаларнинг фойдалари») китобининг муаллифи Зоҳир ибн ал-Итобий ва бошқаларнинг назарига тушган. Бурхониддин Марғинонийнинг шоғирлари жумласида дастлаб ул кишининг ўғиллари шайхулислом Жалолиддин Мухаммад, Низомиддин Умар, Имомиддин ибн Абу Бакр, Шамсул айма ал-Қардарий, Бурхонул ислом аз-Зарнуший, Жалолиддин ал-Астарушийни тилга олмоқ жоиз.

— Шундай ноёб истеъдод соҳиби бўлган ватандошимизнинг ижодий мероси ҳақида тўхталсангиз.

# ФИКХ ИЛМИНИНГ САРДОРИ

**М.НУРИТДИНОВ:**— Буюк фақиҳ Курьони каримни, ҳадис илмларини муқаммал эгаллаб, ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоят чуқур илмга эга бўлган дедик. Ул зот айни пайтда бекхёис дурдона асарлар ҳам яратганлар. Китоб Чалабий, Мухаммад Абдулхай Лакнавий, шунингдек, «Ислом қомуси» муаллифлари берган маълумотларга қараганда, Бурхониддин Марғиноний қаламига мансуб ўндан ортқ асарлар мавжуд. Биз уларнинг ҳаммасини санаб ўтирмай, асосийларини тилга олиб ўтсак. Бу китоблар: «Нашрул-маъриф» («Маърифатнинг тарқалиши»), «Китобу маносуқул-ҳаж» («Ҳаж маросимлари ҳақида китоб»), «Китобул-фил-фароиз» («Мерос ҳуқуқи бўйича китоб»), «Китоб аттажнийсу вал-мазийд» («Илми зиёда қилувчи китоб»), «Мухторотуннавозил» («Нозил бўлган нарсалар мажмуаси»), «Китоб ул-машоих» («Шайхлар ҳақида китоб»), «Мазийдун фи фурӯбил-ханафия» («Ханафий мазҳабига қўшимчалар»), «Бидоятул-мубтадий» («Бошловчилар учун дастлабки таълим»), «Кифоятул-мунтаҳий» («Яқунловчилар учун тугал таълим»), «Бидоятул-мубтадий» асари учун 8 жилдлик шарҳ, «Ал-Ҳидоя» («Кифоятул-мунтаҳий» асари учун ёзилган 4-жилдлик шарҳ).

Бурхониддин ал-Марғиноний «Бидоятул-мубтадий» асарининг муқаддимасида уни шарҳлаш ниятида эканлигини амалда кўрсатиш мақсадида асарнинг ниҳоятда катта ҳажмини назарда тутган ҳолда унинг устидан 8 жилдлик шарҳ ёзиб, уни «Кифоятул-мунтаҳий» деб атаган. Лекин муаллиф бу билан ўз олдида қўйган мақсадга эришолмаган. Сабаби, 8 жилдлик катта шарҳни ўқиб, ундан ўзига зарур масалаларни топиш гоятда мушкул бўлган. Шунинг учун ал-Марғиноний «Бидоятул-мубтадий» асарини қайтадан ўрта андозада шарҳлашни бошлаган. Бу иш учун ўзининг барча кучи, ижодий иқтидори ва илмий истеъдодини ишга солиб, кечаю кундуз ишлаган.

— Кечирасиз, бу фақат биргина менинг саволим эмас. Нега 8 жилдлик шарҳ бўла туриб, иккинчи шарҳни ёзиш оғир кечган, уни тугаллаш учун 13 йил керак бўлган?

**А.САИДОВ:**— Бизнингча, бунинг сабаблари қуйидагича: дастлаб Имом аш-Шайбоний ва ал-Қудурий асарларидан қисқартириб олиниб, «Бидоятул-мубтадий»га киритилган асосий ҳуқуқий масалаларга тааллуқли минглаб фаръий ва жузъий масалалар мавжуд бўлган. Улар орасида халқнинг амалий ҳаётига боғлиқ ўз ечимини топмаган жуда кўп муаммолар бор эди. Шу нуқтага назардан ажтимоий шароитни синчиклаб ўрганиш, устувор аҳамиятга молик муаммоларни иккинчи даражали муаммолардан ажратиб олиб, уларнинг ҳуқуқий ечиш йўллари белгилаб бериш ал-Марғинонийдан ниҳоятда оғир меҳнат, текшириш-излашни талаб қилган. Иккинчидан, аллома фикс илмини босиб ўтган олти давр (Пайгамбар даври, саҳобалар даври, тобиъинлар даври, мухтаждилар даври, мухарижлар даври, муқаллифлар даври)нинг бешинчи босқичида яшаган. Мухарижлар даврида фақиҳлар улардан илгари ўтган мухтаждилар ва буюк ҳуқуқшунос олимлар қаторларига мувожаат қилишлари орқали анғи пайдо бўлган мураккаб ҳуқуқий муаммоларни тўғридан-тўғри мустақил фикр юритиб, қиёс қилиш

ваколатига эга бўлмаган. Мана шунинг учун ҳам Абдулхай Лакнавий ўзининг машҳур «Ал-Фавоидул-бахия» асаридеги ханафий мазҳаби олимларини олти гуруҳга бўлиб, ал-Марғиноний ва ал-Қудурийни «Ас-хабуттаржих», яъни ривоятларнинг баъзиларига таржих бериш, яъни устун қўйиш салоҳиятига эга бўлган олимлар қаторига қўшган.

— Шубҳасиз, бобокалон олимимизнинг шох асари «Ал-Ҳидоя» саналади. Ушбу асарнинг ёзилиши ҳақида батафсил тўхталсангиз.

**М.НУРИТДИНОВ:**— Ислом оламида машҳур бўлган «Ал-Ҳидоя» асарининг ёзилиши ҳақида Махмуд ибн Сулаймон ал-Қафавийнинг «Қаотиб ал-аълум ал-ахёр фи табоқот фақоҳ ва машоийх ан-Нуъмон» («Нуъмон мазҳабига мансуб бўлган таниқли алломанинг фақиҳлар ва шайхлар ҳақидаги китоби») асаридеги қуйидаги маълумотни келтиради: «Абу-л-Ҳасан Али ибн Бакр Абд ул-Жалил бир куни фикс масалаларига бағишланган ҳажми унча катта бўлмаган, лекин маз-



«Ал-Ҳидоя» китобида ҳуқуқий муаммоларни ечиш жараёнида нафақат тўртта асосий сунний мазҳаб, балки Зоҳирий ва Авзобий мазҳабларига доир фикру мулоҳазалар келтирилади. Шу билан бирга, муаллиф ўз нуқтаи назарини ҳам баён қилади.

— Ушбу асарнинг ёзилиш услуби ўзига хос экан-да...

**М.НУРИТДИНОВ:**— «Ал-Ҳидоя» китобини ёзишда бобокалон алломанимиз ўзига хос такорланмас услуб яратган. Унда ҳуқуқий масалаларнинг ечими дастлаб фикс илмининг йирик олимлари фикрларининг баёни ва унга бошқа муаллифлар эътирозлари ёки қўшилишларини изҳор этиш йўли билан берилган. Ана шу обрўли фақиҳлар фикрларидан келиб чиқиш, муайян ҳуқуқий масалаларда энг маъқул ечимни танлаб олиш йўлига амал қилинган. Шу тариқа китобда қонуннинг айнан ифодасига эмас, балки унинг муқаммал шарҳи ҳам асослаб келтирилган. «Ал-Ҳидоя» асаридеги ҳар бир ибора ниҳоятда қисқа ҳамда фиксий ҳукмларни ифодаловчи жумлаларнинг ҳар бири ўзига хос шаклда берилган. Ал-Марғиноний зарурат бўлмаганда синонимлардан фойдаланмаган. Кераксиз, ортқча қўшимча сўзларни ишлатмаган. Ҳақиқатда кўп қисқа сўзлар, атамалар ва ичма иборалар қўлланган. Бу иборалар асарга ёзилган кўп шарҳлар ва хошиялар муаллифлари томонидан кўрсатиб берилган. Мазкур манбаларга асослаб, Хожа Халифа, Шайх Абдулхай Деҳлавий, Мухаммад Абдулхай Лакнавий ўз асарларида уларни изохлаб ўтганлар. Абусуъуднинг ёзишча, Бурхониддин ал-Марғиноний ўзини худбинликдан сақлаш мақсадида ҳеч қачон «мен», «биз» сўзларини ишлатмаган.

Китобнинг ёзилишида яна бир хусусият шундан иборатки, унда «илмул-хилоф» орқали белгилаб берилган қоид-

лар кенг қўламда назарда тутилган. Чунки муаллиф ушбу фан соҳасида ҳам катта олим ва мутахассис бўлган. Тўрт жилдлик китоб суннийлик оқимида ханафий мазҳаби бўйича энг муҳим ва муқаммал ҳуқуқий манба сифатида 53 та китоб, юзлаб бобу фаслдан таркиб топган, Ислом ҳуқуқининг барча соҳаларини қамраб олган. Унинг ҳар бир жилди турли муаммоларни ҳуқуқий ечимига бағишланган. Биринчи жилда таҳорат ва амалий ибодатлар, иккинчи жилда никоҳ, эмизиш, талоқ, қуларни озод қилиш, топиб олинган болаларнинг насабини аниқлаш, топиб олинган нарсаси, қочиб кетган қулар, бедарак йўқолганлар ва вақф ҳуқуқи, учинчи жилда олди-сотди, пул муаммолари, қафолат, ҳомилийк, босқинчилик ва шунга ўхшаш қўллаб масалалар ўрин олган. Тўртинчи жилда эса шафқат, меросни тақсимлаш, шартномалар, қурбонликка сўйилмаган жонзот, шариятга эид, ёмон нарсалар, ташландик ерларни ўзлаштириш, таъқиқланган ичимликлар ҳақида, овчилик, гаровга бериш, хун ҳақи тўлаш, васият каби масалалар батафсил ёритилган.

— Шарқда машҳур китобларга шарҳлар ёзиш одат тусига кирган. Бу ҳол «Ал-Ҳидоя» китобига ҳам тааллуқли бўлса керак?

**А.САИДОВ:**— Унга жуда кўп шарҳлар ёзилган. Араб адабиёти тарихида ёзилишича, Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-Саҳих» китобига 60 та шарҳ ёзилганлиги таъкидланади. «Ал-Ҳидоя»га эса бунданда кўп шарҳ мавжуд. Улар ушбу китобнинг илмий, амалий, ҳаётий аҳамиятга эга эканлигига далилдор. «Ал-Ҳидоя» асарига ёзилган айрим шарҳларни санаб ўтмоқ жоиз: биринчи бўлиб шарҳ ёзган Ҳисомиддин ибн Али Сағноқий Ханафий ўз китобини «Ан-Ниҳоя» деб атаган. Хаминутдин Али ибн Зариф ал-Бухорий икки жилдлик шарҳини «Ал-Фавоид» деб номлаган. Шарҳлар жуда кўп. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтишни имкони йўқ. Хусусан, ас-Самарқандий ал-Ҳамидий ёзган таълиқ ва бошқа бир қатор қисқартмалар, шарҳлар турли мамлакатларда, айниқса Ҳиндистон босмахоналарида нашр этилган «Ал-Ҳидоя» матни учун ёзилган муқаддималар ва хошиялар диққатга сазовордир. Улар жумласида ал-Ҳаддо, мавлавий Абдулҳалим, мавлавий Абдулхай томонидан ёзилган муқаддима ва изохлар ушбу асарнинг тўв мазмунига етиб бориш учун катта ёрдам беради.

— Энди ушбу қомусий асарнинг таржималарига келсак...

**М.НУРИТДИНОВ:**— Асар чироили араб тилида ёзилган. Бу асар бир неча тилларга таржима қилинган. 1791 йил инглиз шарқшуноси сэр Гамилтон томонидан «Ал-Ҳидоя»нинг инглизча таржимаси нашр этилган. Унинг рус тилига биринчи таржимаси 1893 йилда Тошкентда 4 жилда чоп этилган. «Ал-Ҳидоя» нафақат мусулмон ҳуқуқшунослари, балки Фарб ҳуқуқшунос олимлари учун ҳам ниҳоятда эътиборли ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бухоролик Махмуд ибн Садршуария Биринчи ўзининг «Викотур-ривоя фи масоилил — Ҳидоя» асарининг муқаддимасида қуйидагича ёзган: «Ал-Ҳидоя» фахрлишига аризулик бир нафис ва олий асар, тўлқинланувчи бир умон, юксак ўринли, қиматли, ўз аниқ далиллари ва бурхонлар билан йирик аҳамиятга эга,

чексиз яхши томонлари ва порлоқ жумлалари билан ҳаммага файзу барака манба бўлиб келган бир китобдур.

— «Ал-Ҳидоя» асарининг Шарқ мамлакатлари ҳуқуқий тараққиётига кўрсатган бекхёис ижобий таъсири ҳақидаги фикрлар кўпчиликни гоят қизиқтиради.

**А.САИДОВ:**— «Ал-Ҳидоя» ҳам шакл ва тузилиш нуқтаи назаридан, ҳам ички мазмуни жиҳатидан, ханафий мазҳабининг ёрқин намунаси бўлгани учун кейинги даврларда кўп фиксий асарлар унга ўхшаш, унинг услубидан фойдаланиб ёзилган.

Ҳиндистонлик Азиз Аҳмад берган маълумотга қўра, ушбу даврда яратилган икки катта ҳуқуқий асар, яъни «Фикҳи Ферӯз-уш-Шоҳий», тоторхон ташвиқи ва нафақаси билан Олим ибн Ало томонидан ёзилган катта ҳажмли «Фатовои тортоҳония», Фийруз Туғлуқ ҳокимияти даври (1351-88 йилда) таълиф этилиб, уни ёзишда «Ал-Ҳидоя» услубидан фойдаланилган. Бунга қўшимча қилиб шуни ҳам айтиш мумкинки, Ҳиндистонда ундан кейин ёзилган ҳуқуқий асарлар, жумладан «Фатовои Иброҳимшаҳий», йирик ҳуқуқий манба ҳисобланмиш, Бобурийлар давлатининг 4 жилдлик кодекси «Фатовои Оламгирий»да ҳам «Ал-Ҳидоя» таъсирини тўғридан-тўғри кўриш мумкин.

«Фатовои Ҳиндия» номи билан шухрат қозонган «Фатовои Оламгирий» Бобурийлар сулоласининг йирик вакили Аврангзебо Оламгирий буйруғига биноан бир гуруҳ соҳабиятлик фақиҳлар томонидан ёзилган. 4 жилдлик, 4000 бетдан кўпроқ ҳажмга эга ушбу, ҳозирги замон тили билан айтаганда, кодекс мақомидаги тўпلام Низомуддин Бурхонпурий ва бошқа 24 нафар олимлар гуруҳи томонидан қўриб чиқилиб, давлатни бошқариш учун асосий қонун ўрнида ишлатилган: «Фатовои Оламгирий» урду тилига таржима қилиниб, 1889 йили Лакнавада нашр этилган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Бериуний номидаги Шарқшунослик институти қўлэмалар кутубхонасида унинг бир неча нусхаси мавжуд.

«Ал-Ҳидоя» китоби бугунги кунга қадар ислом ҳуқуқшунослиги бўйича барча соҳаларда таъсирини ўтказиб келган ва фақиҳларнинг кўпчилиги, уларнинг мазҳабларидан қатъи назар, унга катта эътибор билан қараганлар. У бир неча асрлар давомида кўп мусулмон мамлакатларида, жумладан, Осиёда ҳам ҳуқуқшунослик бўйича энг асосий қўлланма ҳисобланиб, Ўзбекистонда 1917 йил октябр тўнтаришдан кейин ҳам, то 30-йилларгача — шарият қозилари бекор қилиниб, совет суд тизими жорий қилингунча, амалда бўлиб келди.

Ҳозирги кунда ҳам шарият асосида иш юритиладиган мусулмон мамлакатлари ҳуқуқшунослигига мазкур асардан кенг фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Бурхониддин ал-Марғиноний, ислом ҳуқуқшунослиги тарихида чуқур из қолдирган, VIII асрдан буён дунё ҳуқуқшунослари диққатини ўз ватани Марғилол, Фарғона, Ўзбекистонга жалб этиб келган буюк аллома ва иқтидорли фақиҳдир. Унинг шох асари «Ал-Ҳидоя» китоби, бир классик фиксий асар сифатида ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

1955 йил АКШда Мажид Ҳаддурий ва Ж.Лебисний томонидан нашр этилган «Исломда ҳуқуқ» номидаги китоб муаллифлари фикрича: «Ал-Ҳидоя» китоби ислом ҳуқуқи бўйича ёзилган бошқа барча китобларга нисбатан кўпроқ ва яхшироқ, ханафий мазҳаби ҳуқуқшунослигининг кенгайиб, ривожланишини қисқа суратда баён қилган асардир.

Алло ал-Ҳаддо «Ал-Ҳидоя»нинг хошиясида бундай деб ёзган: «Курьон китоби қандай қилиб ўзидан илгарий динларни мансух (эътиборсиз) қилган бўлса, «Ал-Ҳидоя» китоби ҳам ўзидан илгари, шарият бўйича ёзилган барча асарларни эътиборсиз қолдирди».

«Ал-Ҳидоя» устидеги кенг қўламда тадқиқот ишлари олиб бориб, унинг учун муқаддима ва хошиялар ёзган Абул-Ҳасанот Мухаммад Абдулхай Лакнавий «Ал-Ҳидоя» муаллифини қуйидаги иборалар билан таърифлаган: «Имом ал-Марғиноний фақиҳ (ҳуқуқшунос), Курьон хофизини, муҳаддис, муфассир, барча илму фанни ўрганиб ўзлаштирган иқтидорли устод, ўткир назар билан текширувчи ва диққат билан иш юритувчи, зоҳид, муттақий, маҳорат ва фазилатлар эгаси, усулий (фикс усуллари) илмини чуқур билувчи, илму адабда мисли қўрилмаган адиб ва шоир, илмул-хилоф ва мазҳаб соҳалари бўйича юксак салоҳиятга эга бир зот эди».

— Бурхониддин Марғиноний ҳазратларининг асрлар бўйи машҳур бўлиб келишига сабаб нима?

**М.НУРИТДИНОВ:**— Бу саволга ҳам буюк алломанинг ўзлари жавоб берадилар. Ул зотнинг шоғирларидан бири бўлмиш Бурхонул-ислом аз-Зарнухий ўзининг «Таълимул-мутаълим» номидаги китобидеги келтирган қуйидаги ривоятни ўқиймиз: «Буюк имом, устод, «Ал-Ҳидоя» муаллифи менга қуйидагиларни айтган эдилар: «Обрў ва эътиборсиз олимдан катта фасод келиб чиқади. Ундан ҳам каттароқ фасод манбаи обидлик ва зоҳидлик даввосини қилган кишидур. Ўз динлари бўйича уларга эргашган дунё ахлига, улар, буюк фитналар сабаб бўлгусидилар. Ҳеч қачон илм ўрганиш ишида узилиш юз бермаслик керак. Негаки, бу катта ютқазилга олиб боради. Мен илм ўрганиш жараёнида, ҳеч қачон узилишга ўрин қўймаганим сабабли, барча сафдошларимдан ўзиб ўтдим». Қўриниб турибдики, буюк олимнинг ижоди ҳам, ҳаёти ҳам барчамизга ўрнақдир. Шу ўринда Бурхониддин ал-Марғинонийдек алломани қайтиб бергани учун Истиқлолимизга минг қарра шукроналар айтмоғимиз жоиздир.

Сўхбатдош: СУХБАТДОШ: ТЕМ УБАЙДУЛЛО.

## БЕТАКРОР ТЕННИС ЮЛДУЗЛАРИ — ТОШКЕНТДА

Етти — халқимизда хосиятли рақам ҳисобланади. Бугун юртимизда улкан теннис байрами — мухташам ва гўзал, халқаро андозалар талабларига жавоб берувчи «Юнусобод» теннис кортларида еттинчи бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун баҳслар бошланади. Шуни айтиш керакки, ўтган йиллар мобайнида Кубок мусобақалари халқимиз орқиби кутади-ган, теннис оламидаги энг йирик юлдузларни ўзига чорлайдиган нуфузли турнирлардан бирига айланган. Қалбларидан теннисга нисбатан кучли муҳаббат уйғонган жуда кўплаб ўсмирларимиз орасидан бирин-кетин умидли ва истеъдодли теннисчилар етишиб чиқмоқда. Президент Ку-

боги мусобақалари ўтказила бошлангач, юртимиз теннис мамлакатларидан бирига айланган. Ҳозир мустақил республикамизнинг қай бир гўшасига борманг, ўзига хос қиёфага эга янги-дан-янг қорлар қад ростлаганининг гувоҳи бўласиз. Юртимизда ўтказилаётган Тошкент Опен, Челленжер, Фьючерс турнирлари ҳам халқаро майдонда оғизга тушиб, элчил ва моҳир теннис усталарини ўзига оҳанрабодай тортмоқда.

Ўтган йили бутун юрдошларимизни қувонтирган аjoyиб воқеанинг шохиди бўлгандик — Германиянинг Ганновер шаҳрида ўтказилган ассамблеяда АТР Тоип томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган 72 та халқаро мусобақалар ўртасида



Президент Кубоги турнири йилнинг энг яхши мусобақаси деб эътироф этилди. Бу йил республикамизга ITF президенти жаноб Франческо Риччи Баттини ташриф буюриши, Осиё теннис федерациясининг навбатдаги анжуманини Тошкентда ўтказишга қарор қилинганлиги ҳам Президент Кубоги мусобақалари воситасида Ўзбекистон теннисининг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Уч

йилдан буён ушбу турнирнинг ESPN, EVROSPORT, STAR каби машҳур телеканаллар орқали кураи заминимизнинг барча қишлоқларига бевосита узатилаётгани эса Президент Кубоги мусобақаларининг халқаро спорт тақвимида Уилбдон, Ролан-Таррос турнирлари каби мустақкам ўрин олганлигини кўрсатади.

525 минг АҚШ доллари даражасидаги мукофот жамғармасига эга мусобақаларда бу гал янада кучлироқ теннис юлдузларининг маҳоратларидан баҳраманд бўлишимиз мумкин — илк бор Кубок беллашувларида жаҳон теннис таснифининг биринчи ўнлигига кирувчи учта катта ракетка устаси галаба учун кураш олиб боради. Турнир асосий сеткасида ўрин оладиган спортчиларнинг рейтинг рақамлари дастлабки тўқсонликдан кам бўлмаслиги эса ҳар бир беллашувнинг жуда кескин, мурасасиз ва шиддатли кечишини кўрсатадиган ҳолдир.

Ҳа, АҚШнинг очик чемпионатида ўз маҳоратини кўрсатган ҳолда пойтахтимизга ташриф буюрган россиялик Маррат Сафин ва Евгений Кафельников, испаниялик Карлос Мойя, франциялик Седрик Пьолин, Марокаш вакили Хишам Арази, украиналик Андрей Медведев — Президент Кубоги баҳсларида жавлон уриш ниятини билдирган ушбу моҳир теннисчиларнинг номларини эшитмаган, уларнинг бетакрор истеъдодидан завқланмаган мухлис бўлмас керак.

### АНГЛИЯДА — ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТУРНИР

Тошкентдаги Халқаро кураш ассоциацияси штаб-квартирасига Англиядан аjoyиб хушхабар келди. Британия Кураш ассоциацияси Халқаро кураш ассоциацияси ташкил этилганга 2 йил тўлиши муносабати билан жорий йилнинг 1 октябрида барча ёшдаги эрақлар ва хотин-қизлар ўртасида кураш бўйича турнир ўтказишга қарор қилди. Турнир Лондон яқинидаги Бедфорд шаҳрида Халқаро кураш ассоциациясининг Фахрий президенти — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шарафига ўтказилади ва унинг номи билан аталади.

(ЎзА)



## СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

### ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ ТУРНИРИ ҚАТНАШЧИЛАРИ

#### Хишам АРАЗИ (Марокаш).

1973 йил 19 октябрда Марокашнинг Касабланка шаҳрида туғилган. Ҳозир Монте-Карло (Монако)да яшайди. Бўйи — 1 метр 75 сантиметр, вазни — 65 килограмм. Чап қўлида ўйнайди. Шу йили АТР Тоип мусобақаларида 303234 доллар ишлаб топган, бутун профессионал фаолияти давомидаги даромади 1802307 долларни ташкил этади.

Якка тартибдаги энг юқори рейтинги — 31 (1999 йил 26 апрелда).

Якка тартибда 1997 йилда Касабланкада ўтказилган мусобақа голиби. 1999 йили Марокада ўтказилган турнирнинг финали иштирокчиси.

Хишам Аразилар оиласини теннисчилар оиласи деб айтишимиз мумкин. У олти ёшлигда теннис бўйича йўриқчи бўлмиш отаси — Муҳаммад қўлида яна учта ака-укалари билан бирга теннисчиларини ўргана бошлаган. Ҳозирда унинг иккита акаси теннис бўйича йўриқчилик фаолиятини бажаришмоқда. Хишам Арази араб, француз, инглиз, италиян ва испан тилларини билади. Бадиий адабиётни севади, футболда эса Франциянинг ПСЖ жамоасининг ашаддий ишқибози.

Хишамга 11 ёшдан бошлаб то ҳозирга қадар Патрик Шартон мураббийлик қилмоқда.

Ўтган мавсум марокашлик теннисчи учун жуда муваффақиятли кечди. У ўз фаолияти давомида АТР Тоип турнирлари финалига иккинчи бор чиқди ва жаҳон таснифида анчагина юқорилади.

Шу йили Хишам учинчи марта «Катта дубулга» турнири — Австралиянинг очик чемпионати чорак финалига чиқди ва фақат бўлғуси чемпион Андрей Агассидан енгилди.

Президент Кубоги турнирида (1997 йили) исроиллик Эял Рн билан жуфтликда финалга чиққан. Якка тартибда ҳам чорак финалгача бориб, бўлғуси финалчи Марк Росседан мағлубиятга ураган.

#### Андрей МЕДВЕДЕВ (Украина).

1974 йил 31 августда Украинанинг Киев шаҳрида туғилган. Ҳозир ҳам шу ерда яшайди. Бўйи — 1 метр 95 сантиметр, вазни — 90 килограмм. Ўнг қўлида ўйнайди. Шу йили АТР Тоип мусобақаларида 272385 доллар ишлаб топган, теннис билан шуғулланган бутун фаолияти давомида эса бу кўрсаткич 6579821 долларни ташкил этади.

Якка тартибдаги энг юқори натижаси 4 (1994 йил 16 майда).

2000 йилнинг 7 августидаги рейтинг кўрсаткичи — 35.

Якка тартибда 1992 йил — Женева, Штутгарт, Бордо, 1993 йили — Эшторил, Барселона, Нью-Хевен, 1994 йили — Монте-Карло, Гамбург, 1995 йили — Гамбург, 1996 йили — Лонг-Айленд, 1997 йили — Гамбургдаги турнирларда галаба қозонган.

Мана, деярли ўн йилдирки, Андрей Медведев профессионал мусобақаларда қатнашиб келади. Ўз фаолияти давомида тўқсонинчи йиллар бошларида энг яхши натижаларга эришган бўлиб, 1991-1993 йилларда жаҳон рейтингда 226 ўриндан 6 ўрингача кўтарилган. Учта кейинги мавсумни эса Андрей энг кучли йигирматаликка кирган ҳолда яқунлаган.

Ўтган йили Франция очик чемпионатида катта шов-шувли натижаларни кўрсатди — Жаҳон рейтингини биринчи юзталик охирида бўлган Медведев кетма-кет жаҳоннинг иккинчи ракеткаси Пит Сампрас (АҚШ) ва Франциянинг 1997 йилги чемпиони Густаво Куэртенни енгди. Ўз фаолияти давомида «Катта дубулга» турнирининг дастлабки финалида биринчи ва иккинчи сетларда Андрей Агасси устидан устун келган бўлса-да, бешта сетли шиддатли баҳсда мағлуб бўлди. Ўтган мавсумни олтинчи кучли ўттизталик ичиде яқунлади.

#### Фабри САНТОРО (Франция).

1972 йил 9 декабрда Таитида туғилган. Ҳозир Англиянинг Лондон шаҳрида яшайди. Бўйи — 1 метр 78 сантиметр, вазни — 72 килограмм. Ўнг қўли билан ўйнайди. Шу йили АТР Тоип турнирларида 400016 доллар ишлаган, бутун фаолияти давомида эса теннис кортларида 3843746 доллар ишлаб топган.

Якка тартибдаги энг юқори рейтинги — 21 (1998 йил 12 январда).

Якка тартибда 1997 йили — Лион, 1999 йили — Марсел ва 2000 йили — Дохада ўтказилган мусобақаларнинг голиби бўлган.

Фабри Санторо профессионал турнирларда кўп вақтдан бери қатнашиб келади — 1989 йилдаёқ у ўсмирлар ўртасида Франция очик чемпионатида голиб чиққан. Ўша йили у ўсмирлар жаҳон рейтингига иккинчи ўринни банд этган.

Катта теннисда энг юқори чўққиларни забт этмаган бўлса-да, у жуда кучли теннисчилар ҳам энгиши қийин бўлган қатъий иродага эга профессионалга айланган. 1994 йили жаҳон рейтингининг тўртинчи ўнталигида бўлган Санторо дастлабки Президент Кубоги баҳсларида қатнашди ва Тошкентда қуръа ташлаш маросимида учинчи ўринга қўйилди. бироқ дастлабки ўйиндаёқ у чеҳ Немечекка ютказиб турнирни тарк этишга мажбур бўлди.

Ўтган мавсум Франция теннисчиси учун анчагина муваффақиятли кечди. У терма жамоалар ўртасида норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланмиш Дэвис Кубоги финалига ўз миллий термасининг чиқишига катта ҳисса қўшди, шунингдек, қатор мусобақаларда жуфтликлар ўртасида ўз шериги билан кетма-кет галабаларга эришди. Натижада мавсумни у жаҳон таснифида ўзининг иккинчи энг юқори кўрсаткичи билан яқунлади (33-ўрин).

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Республикамиз Мустақиллигининг 9 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Почта ва Телекоммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ходимлари касабаси уюшмаси Марказий қўмитасининг кўчма кубоги учун пойтахтдаги алоқа корхоналари ўртасида ўтказилган мини футбол турнири нияжасига етди.

Унда алоқа тизимидаги ҳиссадорлик компаниялари ва жамятлари, корхона ва муассасаларининг ходимлари ҳамда ишчи хизматчиларидан иборат 16 та футбол жамоаси иштирок этди.

Натижаларга кўра ФТМТМ (Фан техника маркетинг тадқиқот маркази) жамоасини 5:3 ҳисобида енгган Алоқабанк жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда Алоқа ходимлари касабаси уюшмаси Марказий қўмитасининг кўчма кубоги ва қимматбаҳо совғаларини қўлга киритди.

— Ушбу турнирни ҳар

йили ўтказиш оdat тусига кирган, — деди Алоқа ходимлари касабаси уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Тоҳиржон Назаржонов. — Чунки, маз-

### АЛОҚАЧИЛАР ТЎП СУРГАНДА

кур турнир спорт мусобақаси бўлибгина қолмай, меҳнаткашлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзи ва саломатликни таъминловчи восита ҳамдир. Дарвоқе, Ўзбекистон Почта ва телекомму-

никациялар агентлиги томонидан таъсис этилган «Энг моҳир тўпурар» соврини Тошкент шаҳар телефон тармоғи ҳиссадорлик жамяти ўйинчиси Улуғбек Холбоевга насиб этди.

Матбуот тарқатиш уюшмаси ҳиссадорлик компаниясининг «Кучли ирода билан галабага интилувчи жамоа учун» совринига эса «Ўзбекистон Почтаси» Давлат ҳиссадорлик компанияси жамоаси эришди.

Шунингдек, «Энг ушқоқ команда учун», «Команданинг энг моҳир ўйинчиси», «Турнирнинг энг яхши тренери», «Энг моҳир дарвозабонга», «Турнирнинг энг моҳир ҳимоячиси», «Моҳир ҳужумчи», «Турнирнинг энг ёш иштирокчиси» каби совринлар ҳам ўз эгаларига топширилди.

Муҳаббат  
ЎРМОНБЕКОВА,  
«Ишонч» мухбири.

### БЕЛБОҒЛИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Фаргона шаҳрида Бурҳониддин Марғинович таваллудининг 910 йиллигига бағишлаб белбоғли кураш бўйича биринчи халқаро турнир ўтказилди. Унда Россия, Бошқирдистон, Арманистон, Қирғизистон ҳамда мамлакатимиз вилоятларидан келган етмиш нафардан ортиқ полвон тўрт вазн тоифасида голиблик учун бел олишди. Икки кун давом этган беллашувлар қизгин ва мурасасиз баҳсларга бой бўлди. 73 килограммлик полвонлар ўртасида андижонлик Шухрат Исоқов, 90 килограммлик вазн тоифасида қирғизистонлик Вақтбек Абдурахмонов, 95 килограмм ва ундан ортиқ вазнларда фарғоналик Фахриддин Болтабоев ҳамда наманганлик Бахтиёр Бозоровга тенг келадиганлар топилмади. Турнир голиблари мусобақа таъсисчилари ҳамда ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.



Любов ПЕРЕКЕЛОВА.  
Енгил атлетика бўйича республика терма жамоасининг аъзоси бўлмиш 21 ёшли ушбу спортчи энг маҳоратли ва умидли олимпиадачиларимиз

сирасига киради. 1998 йили ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати, ўтган йили эса Испанияда ҳамда Японияда ташкил этилган қишқи жаҳон чемпионатларида қатнашиб, маҳорат ва тажриба пиллапоояларидан юқорига кўтарилди. Любв Перекелова учун бу йилги мавсум айниқса муваффақиятли кечди. Ўзбекистоннинг янги рекордини ўрнатган Любв Таиланда бўлиб ўтган олимпиадага саралаш мусобақаларида 100 ва 200 метрли масофаларга ю-

риш бўйича ҳурмат шох-супанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

— Ҳаётимдаги дастлабки олимпиадада иштирок этмокдаман, — дейди у. — Шу сабабдан қалбим қувонч ва ҳаяжонга тўла. Бироқ олдиндан қандай ўринни эгаллашимни ба-шорат қилолмайман. Ҳар қандай спортчи каби мен ҳам олимпиада мусобақаларига жиддий тайёргарлик кўрдим. Бинобарин, Сиднейнинг югуриш йўлакларини мен учун муваффақият келтиришига умид қиламан.



Наталья СЕНЬКИНА.  
Ўзбекистон терма жамоаси

сининг енгил атлетикачиларини сафидан ўрин олган. Ўттиз ёшда. Сиднейдаги олимпиада ўйинларида 4х400 метр масофага югуриш эстафетасида иштирок этади.

Ешлигидан спортга кенг аҳамият қаратиладиган мактабда таълим олганлиги сабабли ўз ҳаётини югуриш билан боғлашга қарор қилди. Спорт фаолиятининг бошларида Наталья тўсиқлар оша 100 метрга югуришга ихтисослашган ҳолда маълум муваффақиятларни қўлга киритди — собик Иттифок

чемпионатларининг совриндори бўлди. 19 ёшида Ёшлар ўйинларида қатнашиб, голиблар сафидан ўрин олди.

Спортчиларнинг «асри» қисқа бўлади, дейдилар. 1996 йили Сенькина спорт билан хайрлашишга аҳд қилди ва икки йил давомида машғулотларда қатнашмади. Бироқ спортга бўлган муҳаббатини голиб келиб, у 1998 йили янги мураббий Валерий Казаков қўл остида кунт ва сабот билан шуғуллана бошлади. Пўлат иродаси ва ўз

устиде тинимсиз ишлаш туфайли тез орада аjoyиб ютуқларга эришди. Таиланд очик чемпионатида у Сидней олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Биз билан суҳбатда у мамлакатимиз олимпиада терма жамоаси таркибидан ўрин олиш ҳар бир спортчи учун катта шараф ва эзгу орзу эканлигини таъкидлаб, Сиднейда энг юқори натижаларни кўрсатиш учун ҳаракат қилаягини айтди.

Нима ҳам дердик, омад ёр бўлсин, пўлат иродали спортчи!

## ISHONCH

МУАССИС:  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир  
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:

Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.



#### ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78,  
136-58-45; Хатлар бўлими  
56-85-43; Реклама,  
эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан  
чиқа бошлаган

Мавзелими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро»  
кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида боёқли. Бичими А-2. Ҳажми 2 боёма табоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни  
босмаханаси. Корхона манзили:  
«Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш  
вакти - 121.00